

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАЛАНДАРОВА ДИЛАФРЎЗ АБДУЖАМИЛОВНА**

**КАРЛ РАЙХЛ – ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРЖИМОНИ  
ВА ТАДҚИҚОТЧИСИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УЎК: 398(=512.133):81'255.2(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philological Sciences**

**Қаландарова Дилафрўз Абдужамиловна**  
Карл Райхл – ўзбек фольклорининг таржимони ва тадқиқотчиси .....3

**Қаландарова Дилафруз Абдужамиловна**  
Карл Райхл – переводчик и исследователь узбекского фольклора.....21

**Kalandarova Dilafruz Abdujamilovna**  
Karl Reichl – is a translator and researcher of Uzbek folklore .....38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of published works .....42

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАЛАНДАРОВА ДИЛАФРЎЗ АБДУЖАМИЛОВНА**

**КАРЛ РАЙХЛ – ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРЖИМОНИ  
ВА ТАДҚИҚОТЧИСИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2021.4.PhD/Fil2034 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида  
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))  
жойлаштирилган.


<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Эшонқулов Жоннор Солievич</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Баҳодирова Саригул</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Селами Фидокор</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи муассаса:</b>	<b>Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети</b>


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили,  
адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» ноябр куни  
соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз ўр кўчаси,  
5-уй. Тел: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий  
кутубхонасида танишиш мумкин. (9 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100,  
Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» февраль куни тарқатилди.  
(2022 йил «24» феврал даги 2 -рақамли реестр баённомаси).



  
**Б. Гўхлиев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

  
**Л. Худайкулова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н.

  
**Ш. Турдимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, филол. ф. д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фольклоршунослигида ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарининг туркий ва бошқа халқлар эпик анъаналари билан генетик алоқадорлиги, ўзаро таъсири, жанрий таркиби, сюжет, мотив ва образлар структурасидаги айрим умумий ва дифференциал белгиларини очишга қаратилган изланишлар мавжудлиги умумжаҳон цивилизациясида ўзбек фольклорининг алоҳида ўрни борлигини тасдиқлаши нуқтаи назаридан эътиборни тортади. Шу жиҳатдан ўзбек фольклорининг жаҳон қиёсий фольклоршунослигидаги ўрни ва муҳим манба сифатидаги қимматини белгилаб бериш долзарб аҳамият касб этади.

Дунё илм фанида қиёсий фольклоршунослик назарий ва амалий жиҳатдан тобора ривожланиб бораётган алоҳида йўналишлардан бири ҳисобланади. Унинг таркибида фольклор материалларининг қиёсий таҳлили, умумфольклор намуналарининг сюжет ва мотивлар тизими, поэтик структурасидаги ўхшашликлар, типологик ва хусусий белгилар, эпик матн таҳлили, адабий алоқалар, оғзаки ижод ва ёзма адабиёт муносабати масалаларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, дунё фольклоршунослигида ўзбек фольклорига қиёсий ёндашув асослари ва усулларини аниқлаш учун ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг таржимаси ва тадқиқи билан махсус шуғулланган олимлар фаолиятини ўрганиш зарур ҳисобланади. Хусусан, германиялик олим Карл Райхлнинг ўзбек фольклори бўйича немис ва инглиз тилларида амалга оширган таржима ва тадқиқот ишларини ўрганиш долзарб вазифалардандир.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда халқимизнинг миллий ўзлиги ва маънавий илдизларининг асоси бўлган халқ оғзаки ижодини нафақат диёримизда, балки жаҳонда ҳам ўрганишга бўлган эътибор юксак қадрланмоқда. Чунки халқимиз номининг жаҳонга танилишида фольклор энг асосий воситалардан бири ҳисобланади. Зеро, «Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари, энг аввало, ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир»<sup>1</sup>.

Германиялик олим Карл Райхлнинг ўзбек фольклорини немис ва инглиззабон халққа етказиш ва унга хос поэтик анъаналарни туркий халқлар фольклори контекстида аниқлаш борасида олиб борган илмий изланишлари, таржималарини ўрганиш ана шундай муҳим муаммолардан биридир. Олимнинг таржима ва тадқиқотларини қиёсий фольклоршунослик нуқтаи назаридан чуқур ўрганиб, унда эришилган илмий натижаларни аниқлаш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилиш маросимида бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.

Ўзбек фольклоршунослиги назарий асосларини янги хулосалар билан бойитиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон фольклоршунослигида Европа мамлакатлари олимлари туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи оғзаки бадиий ижодига алоҳида эътибор қаратиб, уни кенг тадқиқ этишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бу борада Ҳерман Вамбери, Корлис Ламонт, Идрис Шох, Морис Боура, Ҳасан Паксой, Карл Райхл, Вольтер Фельдман, Мэрилин Петерсен каби бир қатор олимларнинг таржима ва тадқиқотларини санаб ўтиш ўринли бўлади<sup>2</sup>.

Шу билан бирга Р.Файзуллаева, Ш.Рўзиев, Й.Нурмуродов, Б.Шамсиева, Х.Рўзимбоев, З.Жуманиёзов, Б.Сувонкулов, Р.Ширинова, М.Жўраева, Ҳ.Юсупова, У.Йўлдошев, Р.Қосимова, О.Файзуллоев каби ўзбек

---

<sup>2</sup> Vambery A. Scenes from the East (Through the Eyes of a European traveler in 1860), Corvina, Kiads. – Budapest, 1979. – 418 p.; Vambery A. Sketches of Central Asia. – London, 1868. – 444 p.; Vambery A. Travels in Central Asia. – London, 1996. – 443 p.; Lamont C. The Peoples of the Soviet Union. – New York, 1946. – 229 p.; Shah I. The Pleasantries of Incredible Mulla Nasrutdin. – London, 1974; Bowra C. Heroic Poetry. London, 1961. – 808 p.; Paksoy H.B. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule”. – USA, AACAR, 1989. – 683 p.; Reichl Karl. Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure. Garland Publishing, inc. – New York & London, 1992. – 395 p.; Uzbekische Maerchen. Herausgegeben und uebersetzt von Karl Reichl. – Bochum, 1978; Maerchen der Usbeken: Samarkand, Buhara, Taschkent. Herausgegeben und uebersetzt von I.L. Cirtautas. – Koeln, 1984; Reichl K. Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction. – Hainsworth, 1989; Walter Feldman. “The Uzbek Oral Epic: Documentation of Late Nineteenth Century and Early Twentieth Century Bards.” ... Ph.D. Dissertation. – USA, 1980; Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – 180 p.

олимларининг тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик<sup>3</sup>. Булар орасида Ҳ.Ў.Юсупова эртақ ва латифаларнинг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланишини ўрганар экан, йўл-йўлакай Карл Райхлнинг ўзбек фольклорини икки тилга – инглиз ва немис тилларига таржима қилиб, Ғарб мамлакатлари ўқувчилари эътиборига ҳавола эта олганлиги билан аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлайди<sup>4</sup>.

Турк фольклоршунослигида Чигдим Акюзнинг “Ўтмишдан ҳозирги кунгача туркий дунё эпик истеъдодлари” мақоласида турк жамоаларида эпик ривоятчи, яъни дoston ижрочиси учун қўлланадиган “бахши”, “оқин”, “жиров”, “ошиқ”, “маддох” сингари ҳар хил номлар ҳақида фикр юритилар экан, Карл Райхлнинг “жиров” атамасининг шаклланиши ва қўлланилиши борасида билдирган фикр-мулоҳазаларига<sup>5</sup> алоҳида эътибор қаратилган<sup>6</sup>.

Дурсун Йилдирим Карл Райхлни “афсонавий тадқиқотчи” деб атаб, унинг дoston матнларининг мусиқа билан боғланишига аҳамият берганини, бунда сўз, оҳанг ва матн триоси ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишга ундаганини, умуман, олимнинг туркий халқлар оғзаки ижодига мансуб дostonлар тадқиқи бўйича олиб борган ишларини юксак баҳолайди<sup>7</sup>.

Шунингдек, туркиялик фольклоршунослар: Метин Экичи, Фикрет Туркман, Селами Фидокор, Туба Салтик Ўзканлар ҳам ўз ишларида Карл Райхл тадқиқотларига алоҳида муносабат билдирганини кўриш мумкин<sup>8</sup>.

---

<sup>3</sup> Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе. Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 225 с.; Рузиев Ш. К вопросу узбекско-немецких литературных связях. Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 30 с.; Нурмурадов Й. История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык. Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983. – 192 с.; Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1994; Рўзимбоев Х. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1996; Сувоноккулов Б.М. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Жуманиёзов З.О. “Равшан” дostonи немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш. Филол. фан. номз....дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида). Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 149 б.; Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 56 б.; Жўраева М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 87 б.; Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида). Филол. фан. бўйича фалс. д-и (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 42 б.; Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши. Филол.фан. бўйича фалс. д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018. – 152 б.; Файзуллоев О.М. Ўзбек фольклоридаги лингвокультуремаларнинг инглизча таржимада берилиши (болалар фольклори ва эртақлар мисолида). Филол.фан. бўйича фалс. д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2019. – 162 б.

<sup>4</sup> Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида). Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 26-40.

<sup>5</sup> Райхл Карл. Турк қабилалари дostonлари (урф-одатлар, рақамлар, шеърят тузилиши). Транс. Метин Экичи. – Анкара: ТДК нашри, 2002. – Б. 62-66.

<sup>6</sup> Çiğdem Akyüz. Dünden bugüne türk dünyası destan anlatıcıları. Turkish Studies – International Periodical for The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic. – TURKEY, 2011. Volume 6/4. Fall 2011. – P. 15-26.

<sup>7</sup> Dursun Yildirim. EDIGE: A Karakalpak oral epic as performed by Jumabay Bazarov. Edited and translated by Karl Reichl. Academia Scientiarum Fennica. – Helsinki, 2007. – 498 p. + CD. Turkbilig, 2008/16: 165-169.

<sup>8</sup> EKİĞİ Metin. Türk Dünyasında Köroğlu, Akçağ Yayınları. – Ankara, 2004; FEDAKÂR Selami, “Özbekistan’da Destan Çalışmalarının Tarihçesi”. Milli Folklor Dergisi. – Ankara: Yaz, 2004. Sayı: 62. – S. 67-79; Tuba Saltık Özkan. Karl Reichl, “Türk Boylarının Destanları (Gelenekler, Sekiller, Şekiller, Şiir Yapısı)”. – Ankara, 2002. Türk Dil Kurumu Yayınları: s: 441. Milli Folklor. – Yil: 15 Sayı: 58. – S. 182-185.

Ўзбек фольклоршунослигида Т.Мирзаев мақолаларида Карл Райхлнинг ўзбек фольклори тадқиқотчиси сифатидаги фаолиятига урғу берилган, С.Баҳодирова олимни “фольклоримизнинг жонкуяри”, Ж.Эшонқулов эса “Ўзбек фольклорининг Европадаги “элчи”си номи билан аташган<sup>9</sup>.

Бугунги халқаро муносабатларда ўзбек-немис, ўзбек-инглиз маънавий-маданий муносабатларини янада яхшилашга хизмат қила олиши билан муҳим бўлган Карл Райхлнинг ўзбек фольклорини немис ва инглиз тилларида ўрганиш ҳамда ўргатишга қаратилган тадқиқотларининг яратилиш омилларини, мақсад-мундарижасини алоҳида ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг илмий тадқиқот ишлари режасидаги “Ўзбек адабиёти ва фольклорини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** германиялик олим Карл Райхлнинг таржималари ва илмий тадқиқотлари мисолида ўзбек фольклорининг дунё фольклорида тутган ўрнини илмий далиллаш, эпик матнни тадқиқ этишда қиёсий фольклоршуносликда олим назарий хулосаларининг илмий аҳамиятини ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қиёсий таҳлилнинг бадий сўз санъати тараққиётидаги ўрни, мақсад ва вазифалари, шаклланиш тарихи, методологик хусусиятлари ва назарий тараққиёт босқичларини аниқлаш;

ўзбек фольклорининг жаҳон қиёсий фольклоршунослиги манбаси сифатида танланиш ва ўрганилиш омилларини асослаш;

Карл Райхл ўзбек фольклорининг немис ва инглиз тилларига моҳир таржимони эканини у танлаган асарлар мундарижаси ва жанри нуктаи назаридан далиллаш;

Карл Райхл тадқиқотларида ўзбек фольклорига туркий фольклор контекстида қиёсий ёндашув тамойиллари ва усулларини белгилаб кўрсатиш;

ўзбек ва бошқа туркий халқлар эртаклари ҳамда дostonлари поэтик структурасидаги умумий ва дифференциал белгилар, эпосда бош қаҳрамон, сюжет моделларини танлаб тасвирлашда бахшилар маҳорати масалаларига Карл Райхлнинг ёндашув принципларини очиб бериш;

Карл Райхлнинг фольклор ва ёзма адабиёт алоқасига, фольклоризмлар типологиясига муносабатини ёритиш;

олимнинг тарихий ва замонавий биографик асарлари мундарижаси, тил хусусиятларини танқидчи услуби ҳамда маҳорати нуктаи назаридан текшириш.

---

<sup>9</sup> Мирзаев Т. Карл Райхл – ўзбек фольклори тадқиқотчиси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 4. – Б. 17-20; ўша муаллиф. Карл Райхл – ўзбек фольклори тадқиқотчиси / Устозлар. Сафдошлар. Издошлар. – Тошкент: Тафаккур томчилари, 2021. – Б. 370-378; Баҳадырова С. Карл Райхл – 70 жаста // “Еркин Қарақалпақстан” – “Вести Каракалпақстана”, 2013. 13 июль. – Б. 4; яна ўша. Фольклоримиз-дың жанкўйери. Карл Райхл – 75 жаста // “Еркин Қарақалпақстан” – “Вести Каракалпақстана”, 2018. 30 август. – Б. 3; Эшонқул Жаббор. Ўзбек фольклорининг Европадаги “элчи”си (Германиялик фольклоршунос олим, профессор Карл Райхл билан суҳбат) // Моҳият. – Тошкент, 2003. – Б. 3.



**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Карл Райхлнинг ўзбек фольклори намуналаридан немис ва инглиз тилларига ўттирган таржималари, ўзбек эртак, достон ҳамда бахшилари ҳақида яратилган илмий-адабий асарлари танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Карл Райхл илмий мероси мисолида ўзбек ва бошқа туркий халқлар фольклор намуналари поэтик структурасидаги умумий ва ўзига хос жиҳатлар, эпосда бош қаҳрамон, сюжет ва мотивлар талқини, бадий тасвир воситалари, бахши маҳорати каби масалаларни қиёсий тадқиқ этиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий, қиёсий-типологик, биографик, структурал таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Карл Райхл тадқиқотлари ўзбек фольклори материаллари ҳамда жаҳон фольклоршунослигида эпик матн тадқиқи, вариант ва версияларни қиёслаш, фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари юзасидан муҳим назарий хулосалар бериши, бадий матн тадқиқи бевосита жонли ижро билан чамбарчас боғлиқлиги далилланган;

Карл Райхлнинг ўзбек фольклори бўйича амалга оширган таржима ва тадқиқотлари жаҳон фольклоршунослигида ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди намуналарининг туркий халқлар эпик анъаналари билан генетик алоқадорлигини асослашда муҳим аҳамият касб этиши исботланган;

умумтуркий фольклор ҳодисалари, хусусан, эртак ва достонлар поэтикасидаги ўзаро муштарақликлар, эпик матндаги сюжет ва структура орасидаги яқинлик каби умумий ҳамда бадий тасвир воситалари, мотив ва образлар талқини, эпик ижродаги ўзига хос хусусиятлар адабий алоқа, оғзаки ижод ва ёзма адабиёт муносабати масалалари Карл Райхлнинг ўзбек фольклори бўйича немис, инглиз тилларида амалга оширган бадий таржималари мисолида асосланган;

Карл Райхл мақола ва тадқиқотлари, бадий таржималари мисолида ўзбек ва бошқа туркий халқлар эртак ҳамда достонларидаги анъанавий муқаддима, воқеалар ривожини, хотима, поэтик структурадаги ўзаро ўхшаш ҳамда эпик асарлардаги шеърини тизим, мотив, образлар талқини ва бадий тасвир воситаларидаги фарқли жиҳатлар, достон ижрочиларининг анъанавий эпик формулаларга қатъий амал қилганлиги далилланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Карл Райхлнинг ўзбек фольклори бўйича амалга оширган таржима ва тадқиқотларида қиёсий таржимашунослик тамойиллари, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик тадқиқ усулларида ёндашиш маҳорати яхлит ҳолда ўрганилиши натижасида ўзбек қиёсий фольклоршунослиги тарихи учун зарур илмий факт ва маълумотларни аниқлаш йўллари кўрсатиб берилган;

қиёсий таҳлилнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, шаклланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ёритилиши асосида унинг умумий фольклоршуносликдаги ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

хорижлик ўзбек фольклорини ўрганган олимларнинг ҳаёти ва ижодини ёритишда уларнинг эпик матн танлаш, мундарижа ва сарлавҳа белгилаш, тил имкониятларидан фойдаланиш маҳорати далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий таҳлил, қиёсий-типологик, биографик, структурал таҳлил каби усуллар билан асослангани, немис олими Карл Райхлнинг қиёсий тадқиқ усулларида фойдаланиш тажрибаси, унинг ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг йирик жанри саналган дoston таржималарининг ўзбек қиёсий фольклоршунослиги такомиллидаги ўрни ва ролини ўрганишда зарур илмий-адабий манба вазифасини бажариши, бу борадаги жаҳон фольклоршунослигининг энг сўнгги илмий концепциялари ва назарий қарашларига таянилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек фольклорини дунё миқёсида кенг тарғиб ва тадқиқ этиб келаётган таниқли олим Карл Райхлнинг таржимонлик ва илмий тадқиқотчилик фаолиятини яхлит монографик планда ўрганиш асносида фольклор намуналарининг юзага келиши, тараққий этиши, уларнинг жонли ижрода яшаш тамойиллари, хорижий тилларга таржима қилинишида миллий калоритнинг сақланиб қолиниши ҳамда қиёсий фольклоршуносликнинг тарихий тараққиёт тамойиллари ва хусусиятларини, устувор методларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таржимон ва тадқиқотчи Карл Райхл услубий маҳоратини далиллашга асос бўлган материаллардан олий ўқув юртларида ўзбек халқ ижоди тарихи, фольклор танқидчилиги, эпик матннинг қиёсий тадқиқи бўйича маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарлар ўтишда, халқ оғзаки ижоди ҳамда фольклор таржимашунослиги фанларидан тайёрланадиган дарслик ва қўлланмаларни мукаммаллаштиришда, ўзбек фольклорини хорижда ўрганувчилар антологиясини тузишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек фольклорининг жаҳонга тарғиботчиси сифатида танилган Карл Райхл таржима ва тадқиқотлари юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Карл Райхл ўзбек ва қорақалпоқ фольклорининг немис ва инглиз тиллардаги моҳир таржимони эканлигига доир илмий-назарий натижаларидан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020) фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 27 октябрдаги № 17.01/261-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналарини немис ва инглиз тилларига таржима қилган моҳир таржимон Карл Райхлнинг мазкур халқлар фольклорига оид таржималарни амалга оширишда ўзига хос усулга эга олим эканлиги, унинг эпик матнни тадқиқ этишдаги фольклоризмлар масалалари,

бахшилар бадихагўйлиги ва поэтик маҳоратини ўрганишга доир илмий кузатишлари билан бойитилган;

Мустақиллик даврида ўзбек фольклорини қиёсий аспектда таҳлил этиш ва ўзбек фольклорининг хорижда ўрганилиш тарихи, бу жараёнда германиялик таржимон ва фольклоршуносларнинг ўрни каби масалаларни атрофлича тадқиқ этиш, ўзбек бахшичилик санъати, эпик матн ва бадихагўйликни тадқиқ этишга доир илмий кузатишларидан ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ОТ-А1-47 “Фольклоршунослик атамалари луғати” (2017-2018) амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 16 ноябрдаги № 3/1255-3177-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ўзбек фольклорининг хорижда ўрганилиши, фольклорни тадқиқ этиш методлари, халқ оғзаки поэтик ижодининг назарий масалалари, қиёсий фольклоршунослик масалаларини ёритишга хизмат қиладиган манбалар билан тўлдирилган;

ўзбек дostonларининг хорижда қиёсий ўрганиш масалаларини кенг омма орасида тарғиб қилишга доир тадқиқотнинг илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДМ “Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан эшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда (2020-2021-йиллар) фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 сентябрдаги 04-25-1480-сон маълумотномаси). Натижада Карл Райхлнинг таржима ва тадқиқотлари асосида ўзбек фольклорининг жанрий таркиби, сюжет, мотив ва образлар структурасида ўзига хос миллий белгилар мавжудлиги, умумжаҳон цивилизациясида ўзбек халқ маънавий сарчашмаларининг алоҳида ўрни бор эканлигини кенг тарғиб қилишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 6 та хориж ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Карл Райхл ва Европада ўзбек фольклорининг ўрганилиши”** деб номланади. **“Ўзбек фольклорининг Европада ўрганилиши масалалари”** деб номланган дастлабки фаслда туркий халқлар, жумладан, ўзбек фольклори намуналари қадимдан ҳозиргача кўплаб Европа мамлакатлари олимларининг алоҳида диққатини тортиб, уларнинг эътирофига сазовор бўлиб келаётгани, аммо Ҳерман Вамбери, Анна Луиза Стронг, Корлис Ламонт, Г.М.Шулбрайт, Н.Чадвик, Идрис Шох, М.Боура, Ҳасан Паксой, Карл Райхл, Вольтер Фельдман, М.Петерсен, Ф.Адамс, Даниел Приори каби олимларнинг таржима ва тадқиқотлари ҳали етарли даражада ўрганилмагани, туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқи тарихи, маданияти ва санъатига қизиқиш Европада кўпдан мавжуд эканлиги, унинг тарихи жуда узоқ замонларга бориб тақалиши, бу қизиқиш доимий тадрижий такомил топиб боргани ҳақида фикр юритилган.

Ўзбек фольклор намуналарининг хорижда тадқиқ қилинишига оид материаллар шундан далолат берадики, Туркистон тарихи, қадимги урф-одат ва анъаналари, фольклорига оид материалларни тўплаган Ҳ.Вамберининг тажрибалари кейинчалик Н.Остроумов, А.Боровков, М.Гаврилов, М.Андреев, Р.Радлов, В.М.Жирмунский, В.Фельдман, К.Райхл каби олимларнинг соҳага қизиқиш уйғонишига туртки бўлган.

Ҳозирда АҚШнинг Пенсильвания университети профессори лавозимида фаолият юритиб келаётган Вольтер Фельдман 1980 йилда Колумбия университетида “XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида ўзбек халқ оғзаки дostonлари” мавзусидаги PhD диссертациясини ёқлаган. Олимнинг бу изланишлари ўзбек фольклорини инглиззабон элларга танитишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Турк фольклоршунослигида Чиндим Акюз, шунингдек, докторлар Метин Экичи, Фикрет Туркман, Селами Фидокор, Туба Салтик Ўзкан, Дурсун Йилдирим ва корейлик Ынгён Оларнинг бу борадаги тадқиқотлари ҳам ўзбек фольклор намуналарининг дунё миқёсида танилишига хизмат қилмоқда<sup>10</sup>.

Бу ўринда Германиянинг Бонн университети профессори Рейн-Вестфалия академияси аъзоси, Нукус давлат университетининг фахрий профессори Карл Райхлнинг соҳага оид хизматларини алоҳида таъкидлаб

---

<sup>10</sup> Ынгён О. “Алпомиш ва Жумўнг” дostonларининг қиёсий-типологик таҳлили. – Тошкент: Турон замин зиё, 2014. – 220 б.

ўтиш жоиз бўлади<sup>11</sup>.

Дастлабки бобнинг иккинчи фасли **“Карл Райхл – ўзбек фольклорининг таржимони”** деб номланади.

Ўзбек фольклорининг ўрганилиши ва хорижий тилларга таржима қилиниши ўзининг узок тарихига эга. Бу ўринда ўзбек фольклори намуналарининг Европа тилларига таржима қилинишида Херман Вамберининг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур бўлади. Унинг чиғатой тилига бағишланган тадқиқотидан ўзбек мақоллари билан бирга “Юсуф ва Аҳмад” достони ўрин олган. Бу каби тадқиқотлар ўзбек фольклорининг хорижда ёйилишида муҳим кадам бўлиб хизмат қилди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек фольклори намуналарининг Европа тилларига таржима қилинишида янги бир босқич бошланди. Бу янгиланиш жараёни эса Карл Райхл номи билан боғлиқ.

Карл Райхлнинг таржимонлик фаолиятида қуйидаги жиҳатлар алоҳида эътиборни тортади:

1. У таржимачилик фаолиятига киришишдан олдин мустақил равишда тил ўрганган.

2. Таржималарини бевосита аслиятдан амалга оширган.

3. Ўз таржималарини ўз тадқиқотлари учун манба қилган.

4. Турли халқлар фольклори борасидаги билимларини таржима асарлари орқали мустаҳкамлаб борган.

Олим бу соҳадаги фаолиятини дастлаб ўзбек эртак ва дostonларидан айрим намуналарни таржима қилишдан бошлаган. 1978 йилда ўзбек, кейинроқ эса қорақалпоқ, туркман, уйғур халқ эртакларини олмон тилига ўгирган. Унинг ўгирмалари “Ўзбек эртаклари олмон ва ўзбек тилларида” (1978, Бохум), “Туркман халқ эртаклари” (1982), “Қорақалпоқ халқ эртаклари” (1984, Бохум), “Равшан” ўзбек халқ достони” (1985, Висбаден), “Уйғур халқ эртаклари” (1986, Бохум) номи билан турли йилларда эълон қилинган. Булар тўртта китоб кўринишида жамланган бўлиб, биринчи китоб ўзбек халқ эртаклари, иккинчи китоб қорақалпоқ, учинчи китоб туркман, тўртинчи китоб Хитойдаги туркий халқлар оғзаки эртакларидан иборат.

Карл Райхл “Равшан” дostonини таржима қилиб, фикрларини билиш учун Альберт Лордга юборади. Альберт Лорд мазкур таржима билан танишиб чиқиб, ўзининг илиқ фикрларини айтади. Шундан сўнг Альберт Лорд ўзининг “Ўрта Осиё ва болқон халқлари эпоси”<sup>12</sup> номли китобида “Равшан” ва “Алпомиш” дostonларидан мисоллар келтирган. Мазкур китобда ўзбек фольклоршунослари орасида “Алпомиш”ни куйламаган бахши – бахши эмас, “Алпомиш”ни тадқиқ этмаган олим олим эмас деган фикрлар ҳам мавжуд.

<sup>11</sup> Reichl K. Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction. – Hainsworth, 1989; яна ўша. Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure. Garland Publishing, inc. – New York & London, 1992. – 395 p.; яна ўша. trans. *Rawshan. Ein usbekisches miindliches Epos.* Asiatische Forschungen, 93. – Wiesbaden, 1985; яна ўша. "Oral Tradition and Performance of the Uzbek and Karakalpak Epic Singers", in Reissig. 1985. – P. 613-643; яна ўша. (Ed.) Medieval Oral Literature. 2012 Walter de Gruyter GmbH&Co.KG, Berlin/Boston. – Germany, 2012. – P. 695-697.

<sup>12</sup> Lord A.B. “Central Asiatic and Balkan Epic”, in Heissig. 1987. – P. 321-350.

Карл Райхлнинг “Алпомиш” ҳақидаги монографияси ва дoston юзасидан амалга оширган илмий таржимаси китобининг тақдироти 2002 йилнинг декабрида Бонн университетида бўлиб ўтган. Бу тақдиротда Т.Мирзаев, Ж.Эшонқулов ва бахши Шоберди Болтаевлар иштирок этишган. 2018 йилнинг 5 августида илмий сафар юзасидан Тошкентга қилган навбатдаги ташрифи жараёнида Карл Райхл билан бевосита мулоқот қилганмиз. Олимнинг фольклор таржималари юзасидан қимматли фикрлари ҳамда суҳбатимиз давомида очикланган айрим маълумотларни тадқиқотимизнинг иккинчи фаслида ёритишга ҳаракат қилдик.

Карл Райхл фольклор асарларини икки тилда – бир-бирига қардош бўлмаган, турли тизимга алоқадор ўзбек-немис ёки ўзбек-инглиз тилларида чоп эттирди. Шу орқали бу хил нашрларнинг илмий-назарий принципларини ишлаб чиқишга, мустаҳкамлашга ҳисса қўша олди.

Ушбу фаслда Карл Райхл томонидан амалга оширилган таржималар – ўзбек фольклори намуналари таҳлилга тортилиб, аслият билан солиштирилган ҳолда қиёсий тадқиқ этилди.

Тадқиқотимизнинг иккинчи боби **“Карл Райхл – ўзбек фольклорининг тадқиқотчиси”** деб номланади. Мазкур бобнинг биринчи фаслини **“Гўрўғли” дostonи Карл Райхл талқинида** дея номладик.

Илмий изланишлари соҳаси эпик асарлар тадқиқи, шарқшунослик, туркология, манасшунослик, таржима йўналишларига бағишланган профессор Карл Райхл дунёнинг турли илмий журнал ва тўпламларида 90 дан ортиқ илмий мақолаларини эълон қилган. Уларнинг аксарияти ўрта асрлар тарихи, тилшунослик, туркий халқларнинг фольклор мероси, айрим шоирлар ижоди тадқиқига бағишланган. Карл Райхлнинг дунёнинг турли энциклопедияларида 60 дан ортиқ мақолалари нашр этилди. Олим 96 та илмий китоб муаллифи. Шунга кўра, Карл Райхл тадқиқотлари доирасини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Диний поэзия таҳлили ва талқини.
2. Ёзма адабиёт намуналарининг тил хусусиятлари тадқиқи.
3. Мистик асарлар мусиқаси бўйича тадқиқотлари.
4. Тилшуносликка оид илмий изланишлари.
5. Қиёсий адабиётшуносликка бағишланган тадқиқотлари.
6. Фольклоршунослик: оғзаки адабиёт, туркий халқлар оғзаки ижоди, эпик матн муаммоларига бағишланган тадқиқотлари.

Карл Райхл **“Гўрўғли”** туркум дostonларининг Шарку Ғарбда тарқалиши, ўрганилиши, улардаги синтезлашув ҳамда трансформациялашув жараёнларини очишга ҳаракат қилган. Шу мақсадда у ўзининг “Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” китобидаги “Transformations in Space and Time” номли “макон ва замон” масаласи ўрганилган ўнинчи бобида бу дostonнинг турли даврларда ёзиб олинган турли вариант ва хронологиялари, тарқалиши хусусида қимматли мулоҳазаларни илгари суради. “Гўрўғли” ёки “Кўрўғли” (олим дoston юзасидан олиб борган тадқиқотларида туркум номини шундай атайди ва дoston воқеалари дастлаб туркий ва туркий бўлмаган халқлар орасида эпик ҳикоя тарзида юзага келиб,

кейинчалик воқелар ривожини кенгайтиб достон кўринишига келади деган хулосани беради. – Д.Қ.) антропонимининг пайдо бўлиши ва қўлланиши, достондаги анъанавий образ ва мотивларнинг генезиси ҳақида баъзан баҳсли, баъзан асосли фикрлар юритган.

Энг муҳими, олимнинг ушбу туркум вариантларини ҳам ўзаро, ҳам немис халқ достонлари ва ёзма адабиёти намуналаридаги ўхшаш мотивлар, образлар тасвири билан қиёслаб ўргангани алоҳида таҳсинга лойиқ.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли **“Алпомиш” достони версиялари тадқиқи**” деб номланади. Профессор Карл Райхлнинг ўзбек халқининг машхур қаҳрамонлик эпоси – “Алпомиш” достони ҳақида эълон қилган ўнлаб илмий мақолалари, хусусан, унинг 2001 йилда нашр эттирган “Ўзбек қаҳрамонлик эпоси” “Алпомиш”: тадқиқот, матн, таржима” (Das uzbekische Helden epos Alpomish: Einführung, Text, Übersetzung) номли йирик монографияси, “Туркий халқлар оғзаки эпоси: анъана, шакллар, поэтик структура” (“Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure”) номли монографияси ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек достончилигининг шоҳ асари – “Алпомиш” достони тадқиқига бағишлангани билан аҳамиятлидир. Олимнинг “Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” китобининг Story – Patterns деб номланган олтинчи бобининг учинчи фаслида “Alpomish and return of the hero” (“Алпомиш” ва қаҳрамоннинг қайтиши) ва “Transformations in Space and Time” номли “макон ва замон” масаласи ўрганилган ўнинчи бобининг иккинчи фасли “Alpomish Variation and Diffusion” (“Алпомиш”: вариация ва диффузия)да ҳам “Алпомиш” достонининг турли даврларда ёзиб олинган вариант ва версиялари ҳақида алоҳида фикр юритилган.

Карл Райхл ўз илмий фаолияти давомида “Алпомиш” достони билан боғлиқ куйидаги ишларни амалга оширди:

1. “Алпомиш”ни аслиятдан (ўзбек, қорақалпоқ, туркман, қozoқ, уйғур, тожик тилларида) ўрганди.

2. “Алпомиш” вариантларидан бирини ўзбек тилидан немис тилига таржима қилди.

3. “Алпомиш” достонини ватани Германияда чоп қилиб, илмий жамоатчилик, кенг китобхонлар оммасини ушбу достон билан таништирди.

4. “Алпомиш” достони билан боғлиқ поэтик анъаналарни, достоннинг бадиий қурилишини, унинг ижрочилари маҳоратини илмий тадқиқ этиб, хулоса ва натижалари юзасидан илмий мақола ҳамда монографиялар яратиб, хорижий фольклоршунос олимлар ҳукмига ҳавола қилди.

Олимнинг “Алпомиш” достонига оид монографиясига тадқиқот объекти сифатида достоннинг таниқли бахши Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган варианты билан Саидмурод Паноҳ ўғли варианты танлаб олиниб, таҳлилга тортилган. Шундан Саидмурод Паноҳ ўғли варианты достоннинг қирқдан ортиқ варианты орасида энг қисқа, бадиий жиҳатдан бирмунча юксак бўлганлиги учун таржима қилишга танланган ва монографиянинг махсус бир боби унинг ўрганилишига бағишланган.

“Алпомиш”: тадқиқот, матн, таржима” китобида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилган:

- а) ўзбек халқ эпик анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари;
- б) бахшининг ўзбек халқининг маданий ҳаётидаги ўрни;
- в) дostonнинг композицион қурилиши;
- г) дostonдаги етакчи мотивлар талқини;
- д) дostonнинг версия ва вариантлари таҳлили.

Карл Райхл “Алпомиш” дostonи вариантларининг жонли ижросида, эпик матн тилида ҳар бир ҳудудга хос бўлган куй, шева хусусиятлари ва бахшичилик анъаналарнинг мавжудлигини урғулайди. Ўз таҳлиллари жараёнида эпик матнда ишлатилган айрим сўз ва ибораларнинг изоҳига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашади. Дostonдаги анъанавий, доимий такрорланиб келувчи мисраларнинг эпик матндаги ўрнини атрофлича таҳлил этади.

Биз ишда олим эришган ютуқ ва камчиликлар, “Алпомиш” дostonи тадқиқи борасида келган илмий хулосаларни атрофлича таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

